ЁЗУВЧИНИНГ «ПОЭТИК ТУШ»И

Р.Ҳакимжонова

Мақолада ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг «Яхшиям сен борсан!» ҳикоясининг рамзий қатламлари Фрейд, Фромм, Юнг каби психоаналитиклар тадқиқотларида илгари сурилган назарий қарашларга асосланиб таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *«Қуръон» қиссалари, Юсуф, Зулайҳо, рамз, психоанализ, архетип, туш, мотив, маъно қатламлари.*

В статье, основываясь на трудах всемирно известных психоаналитиков, таких, как З.Фрейд, Э.Фромм и К.Юнг исследуется метафорический слой рассказа Улугбека Хамдама «Хорошо, что ты есть!».

Ключевые слова: *притчи Корана, Юсуф, Зулейха, метафора, психоанализ, архетип, сон, мотив, метафорический слой.*

Thıs artıcle studies metaphorical layer of Ulugbek Khamdam`s story «Yahshiyam sen bor» «Thanks, I have you» founding on the works of world-known psyhoanalysts, such as Z. Freyd, E. Fromm and K. Yung.

Key words: *Qoran stories, Yusuf and Zulayho, symbol, metaphor, psychoanalysis, archetype, dream, motive, semantic layers.*

«Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси Шарқ ва Ғарбни бирдай қизиқтириб келган кўҳна мавзулардан саналади. Қиссанинг муқаддас китобларда учраши ҳам мазкур мавзунинг мағрибу машриқда ижодкорлар эътиборини қозонишига сабаб бўлганини кўрсатади. Шарқда Фирдавсий, Ибн Сино, Қул Али, Рабғузий, Жомий, Дурбек, Андалиб каби етук шоир-ёзувчилар Қуръон сюжети асосида ушбу мавзуга қўл урганлар. Шунингдек, мумтоз адабиётимизда, хусусан, шеъриятимиз ва эпик достонларимиз ичидаги айрим ҳикоятларда Юсуф ва Зулайҳо образлари маълум мотивлар сифатида (гўзаллик, ишқ, ахлоқ) у ёки бу шаклда ёзувчи бадиий нияти ва эстетик қарашларини ифодалашга хизмат қилиб келган.

Ғарбда Уйғониш даври остонасида Данте «Илоҳий комедия»да Зулайҳога ахлоқий томондан ёндашади ва уни дўзахга жойлайди. Бу эса Ғарб ва Шарқда Зулайҳо образига бирдек қаралмаганини кўрсатади. Кейинроқ, бадиий тафаккурда сайёр сюжетларга қарашлар хийла мустақиллашиб қолганда, Томас Манн каби ёзувчилар

Юсуф қиссасига ўз муносабатларини билдириш ва бадиий ниятларига хизмат қилдириш йўлидан бордилар. Ғарбда бу мавзу нафақат адабиёт, балки кенг санъаткорлар аудиториясини ҳам ўзига жалб этди. Хусусан, мусиқа ва рассомчилик соҳаларида бир қатор асарлар яратилди.

XX асрдан эътиборан адабиётда индивидуаллик кучайиб боргани сари мазкур образлар ёзувчи бадиий ниятини ифодалаш учун бир воситага айланди. Ижодкорлар Юсуф ва Зулайҳо қиссаларига ўз замонлари муаммоларидан келиб чиқиб ижтимоий, ишқий ва фалсафий маънолар юкладилар. Чунончи, XX аср турк адабиёти намояндаси, модернист шоир Нозим Ҳикмат Юсуфнинг зиндон мотивини ривожлантирмоқчи ва унга янги ижтимоий-сиёсий мазмун юкламоқчи бўлади. Кўринадики, жаҳон адабиёти тажрибасида Юсуф қиссаларига янгича ёндашув ўтган асрданоқ бошланган экан.

Ўрта асрларда ёхуд Уйғониш даври адабиётида ушбу қиссага асосан диний муносабат етакчилик қилганини кўрамиз. Тасаввуф таълимоти ўз адабиётини шакллантиргач, ушбу қисса ва образларга янгича маънолар юкланди. Натижада мутасаввуф ижодкорлар учун нафақат Юсуф ва Зулайҳо линияси, айни дамда Юсуф – Ёқуб (ота ва суюкли ўғил), Юсуф ва унинг оғалари, Юсуф – зиндон, Юсуф – туш, Юсуф – ҳокимият, Юсуф – гўзаллик каби қирралари ҳам илҳом манбаи бўлиб келди. Албатта, улар ичида энг кўп ишлангани «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасидир.

«Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси нафақат кечаги, балки бугунги кун ижодкорини ахборот асрида ҳам ушбу мавзуга қайта мурожаат этишга ундамоқда. Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Улуғбек Ҳамдамнинг биз таҳлилга тортмоқчи бўлган «Яхшиям сен борсан!» ҳикояси «Юсуф ва Зулайҳо» мавзуси ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмагани, эскирмаганини кўрсатади.

Бу ҳикоя рамзлар асосига қурилган. Ундаги рамзларни тўғри илғай олиш ҳикоя мазмунини англашимизга ёрдам беради. Ёзувчи анъанавий Юсуф ва Зулайҳони эмас, замонавий дунёдаги бозор муносабатлари таъсирида яшаётган жуфтликни акс эттиришни мақсад қилади. Бир қарашда, ҳикояда биз билган Юсуф ва Зулайҳонинг номидан бўлак алоқадорлик йўқдай. Аммо рамзий ҳикоянинг қават-қават рамзларини бирма-бир кашф қилиб борар экансиз, анъананинг жуда катта аҳамияти борлигини тушуниб етасиз. Бу алоқадорлик тўғридан-тўғри эмас. Ҳикояда анъанавий қисса сюжетига тақлид ҳам йўқ. Аммо ботиний алоқадорлик мавжуд. Бу алоқадорликни тушуниш учун Фрейд, Фромм, Юнг каби жаҳон психоаналитиклари илгари сурган тадқиқотлардан яхши хабардорлик талаб этилади. Булар билан танишмасдан туриб, ҳикоянинг умумий мазмунидан баҳра олиш мумкин-у, лекин унинг рамзий қатламларига кириб бўлмайди.

Шу боис анъанавий Юсуф қиссаси ҳамда психоанализ ютуқларига асосланган ҳолда ҳикояни тадқиқ этамиз.

Ҳикоя Юсуф ва Зулайҳонинг бироз кўнгилсиз қўнғироқлашувлари ва ресторанга овқатланишга эринибгина боришлари тасвири билан бошланади. Зулайҳо овқат ейишни эмас, иссиқ чой ичишни, ичига иссиқ киришини истайди. Демак, қиш фасли. Кун совуқ. Атроф, жамият, ташқарида совуқ ҳукмронлик қилади ва бу иқлим қаҳрамон ботинига ҳам йўл топиб кирмоқда. Зулайҳо дастлаб иссиқ чой билан эритмоқчи бўлган қалбидаги муз, ҳикоя сўнгида ишқ маърифати билан эритилиб, йўқ қилинади.

Ресторан эпизодидан сўнг қаҳрамонлар бозорга шунчаки айланиб чиқиш учун кирадилар. Кирадилар ва адашиб қоладилар. Чиқиш йўли ҳам топилавермайди. Чиқиш йўли топилавермагач, яна чой ичгани кирадилар. Замонавий дунёда инсоннинг тинимсиз қорни атрофида айланиши маънавий оламга йўлни топа олмаётганига ишорадир. Бу ўринда бозор мотиви Юсуфни бозорга олиб бориб сотишлари билан боғлиқ. Фақат ҳикояда бозор мотивига бутунлай янги ижтимоий муаммолар юкланган.

Сўнг ҳикояга мўйсафид чойхоначи образи кириб келади. Шарқ ҳикояларида кўпинча кўпни кўрган, ҳаёт сирларини англаган мўйсафидлар йўлини йўқотган қаҳрамонларга тўғри йўлни кўрсатиб юборишади. Мазкур ҳикояда эса мўйсафид худди тушдаги каби чиқиш йўлини дастлаб айтмайди. Бу Юсуфнинг чиқиш йўлини тополмаётгандаги хавотирининг рамзи. Унингча, чойхонага кирган бу мижозлар кундалик мижозлардан, оммадан фарқ қилишмайди. Чунки «чиқишни излаганлар кўп эмас!» Аммо Юсуфнинг қатъияти унга жиддий разм солишга ва бошқа ҳаммадан ажралиб туришини англаб етишига сабаб бўлади ҳамда кутилмаган чиқиш йўлини – қабристонни кўрсатиб юборади.

Чиқиш йўлини фақат Кунчиқардан излаши, назаримизда, Шарқ маърифатига, Шарқ фалсафаси тажрибасига таяниб дунёни қалбдан қувиш, халос бўлишга ишора, демакдир.

Ортега-и-Гассет муҳаббат туйғуси камдан-кам маданиятларда қадрият даражасига кўтарилганини ёзади. Хусусан, қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнон-Рим маданиятида севгига жамиятнинг устуни сифатида қаралмагани, оламнинг ишқ асо-

сида яралиши илк бор мусулмон Шарқи бағрида пайдо бўлган тасаввуф ғояларида акс этганини айтади [5.23]. Демак, ҳикоя қаҳрамонларининг бозордан чиқиш йўлини айнан Кунчиқар (Шарқ)дан излаганлари бежиз эмас ва бу ҳол минг йиллик кўҳна ҳақиқатни яна бир карра исбот қилади.

Ўрта асрлар мусулмон адабиётида жуда кўп учрайдиган мўйсафид хос сирни Юсуфга айтаётганидан чўчийди ва «бир гап бўлса, сизларни танимайман» дея огоҳлантиради. Бу – ҳақиқатни айтишдан чўчиш. Кўринадики, мўйсафид чойхоначи буқаламундек товланувчи замонамизда хосу авомни ажратишдан қийналмоқда. Бинобарин, у чиқиш йўлини кўрсатиб ҳам шубҳаланишда давом этаверади: «улар қабристонни тушунармикан? Хосларданмикан?» деган сўроқ уни қийнайверади.

Зулайҳонинг бозорда йўқолиши мотиви ҳам тушни ёдга солади. Биз билган Юсуф қиссасида акалари Юсуфни қудуққа ташлашгач, Ёқубга унинг йўқолгани хабарини берадилар, бу ҳолат ҳикояда Зулайҳо образига сингдириб юборилган. Ёқубнинг ўғли ҳажридаги изтироблари эса ҳикояда Юсуфнинг юрагида рўй беради.

Бозордаги адашув турланиб кетган ялтироқ дунёда инсон ўзидан, кўнглидан, руҳидан узоқ тушгани, унга етмоғи учун бу рангинликни оёқ остига олишига ишора. Улар – хос одамлар. Бундай талотўпдан чиқиш эҳтиёжи зўрайиб, мақсадлари бирлашиб, «ягона руҳ»га айланишгачгина қаҳрамонлар бозордан чиқишга муваффақ бўлишади.

Эрих Фромм ўзининг «Севги санъати» рисоласида бозор иқтисодиётига ўтган дунёда севгига муносабат сусайганини ёзади. Ҳамма нарса кўнгил очиш учун мўлжалланган. Хилма-хил ресторанлар, кинотеатр, салон, бозорлар... Буларнинг бари ўз истеъмолчисига муштоқ. Дунё енгил ҳаёт ваъда қилиб, инсонни ҳам шунга мос бўлишга ундаётган бир паллада унинг шу чоққача йиққан маданий қадриятлари мана шу енгил ҳаёт чоҳига бирма-бир қулаб бормоқда. Хусусан, муҳаббат туйғуси ҳам.

У.Ҳамдам ўз қаҳрамонларининг бозор муносабатларига қурилган жамиятда инсон сифатида халок бўлишларини истамайди ва бунда чинакам ишқни бозор «вируси»га «антивирус» сифатида ёрдамга чақиради. Ёзувчига кўра, бозор муносабатлари асосида ҳаракатланаётган шовқинсуронли XXI асрда ҳам инсон қалбини дунёдан халос қиладиган ягона туйғу - бу ишқдир: «Севги мени дунёдан асрар» деб ёзади у бошқа бир асарида.

Ўқувчи ҳикояни ўқиркан, қандайдир туш билан танишаётгандай бўлади. Ёзувчи гўё ўзи билган, азалдан севиб ўқиган, муқаддас китоблар ёки тасаввуф адабиётидаги, қолаверса, ўз ботинидаги қоришиқ ўй-хаёлларини туш кўраётгандай, эзгу ва илоҳий туш кўраётгандай бўлади. Онг остидаги акси билан танишган ёзувчи Юсуф ва Зулайҳони туш кўради, айни дамда, ўқувчи ҳам унинг онг ости аксланиши билан танишгандай бўлади. Ҳикоянинг мантиқ билан тутиб бўлмас воқеаси ривожи ва ечими шундай хулосалар қилишга ундайди.

Маълумки, У.Ҳамдам ижодида бир қанча тушҳикоялар ва битта «Йўл» деб номланган тушроман бор. Биз кўниккан реаллик мантиғи билан уларни тушуниш, тушунтириш анча мушкул. Уларнинг маъно қаватларига ёзувчи онг остида ҳаракатланган ирреалликни пайқаш, шунингдек, психоанализ тадқиқ орқалигина англашимиз мумкин бўлади. Фромм бундай ёндашувни шартли рамзлар, яъни муайян маданий гуруҳга мансуб кишилар учунгина тушунарли бўлган рамзлар деб атайди. [5]. Швейцариялик психоаналитик К.Юнг: «Архетиплар (илк асос) кишилик жамиятининг энг қадимги даврларидан бошлаб инсоният хотирасида «коллектив онгсизлик» сифатида яшайди ва ижод жараёнида турли шаклларда ўзини намоён этаверади», дейди. Ҳикояда Юсуф ва Зулайҳо архетипи ёзувчига илҳом беради.«Архетип – илк асос конкрет давр хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда турлича кўринишлар олади» [7.39].

Ёзувчи Юсуф ва Зулайҳонинг танлаган йўлларини акс эттиришда муқаддас китоблардаги талқинга эмас, моҳият эътибори билан тасаввуфона қарашга суянади. Чунки илоҳий китобларда тасаввуф талқинидаги ишқ васф этилмайди. Ундан ташқари, ҳикояда анъанавий сюжет линиясида учрамайдиган, аммо замоннинг ўзи тақозо этган мотивлар ҳам мавжуд. Бозорга ва дунёвий зийнатларга мафтун бўлиш, чалғиш шундан дарак беради.

Биламизки, Юсуфнинг ҳусни тенгсиз саналади. Асарда эса юз, ҳусн гўзаллиги, яъни ҳусн мотиви Зулайҳога кўчган ва у ҳуснига тиғ орқали зарар етказади. Қуръондаги қиссада ҳам пичоқ мотиви бор. Унда аёллар Юсуфни кўриб қўлларини кесадилар [«Юсуф» сураси, 31-оят]. Бу ердаги пичоқ мотиви Зулайҳонинг юзига «юзланади». Шунинг ўзиёқ тушни эслатади. Чунки «биз тушимизда ўнгимиздаги деталларни ёки ўқиган, эшитганларимизни айқаш-уйқаш кўрамиз» [4.173].

Ҳикояда анъанавий Юсуф ва Зулайҳо қиссаси парчаланиб, ёзувчи онг остида уйғонган сюжет парчалари, айрим деталларгина ижтимоий муаммони акс эттиришда восита ўлароқ иштирок этади, холос. Ҳикоя мазмунига кўра бозорда Зулайҳо синовдан ўтган эди. Бошқарма қаршисида

эса Юсуф синалади ва кутилмаганда бозор раҳбарига айланади. Ушбу рамз муқаддас манбадаги Юсуф – ҳокимият чизиғига туташ келади.

Тилла дўконидан Юсуф Зулайҳони қутқарган бўлса, бошқармадан Зулайҳо уни халос этади. Шу ерда анъанавий сюжет деталлари яна кўзга ташланади. Зулайҳонинг Юсуфга интилиши ва Юсуфнинг уни писанд этмаслиги саҳнасида Зулайҳо дарҳол қалби ишққа тўла Зулайҳога алмашинади (тасаввуфий талқин).

Манбалардан кўринадики, Шарқда «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси бир томондан шаърий, иккинчи томондан тасаввуфий талқин этиб келинган. Шаърий нуқтаи назардан Юсуф мазлум, Зулайҳо эса ахлоқсиз, макрли аёл. Тасаввуфда эса ҳатто бунинг акси дейиш мумкин: Зулайҳо – ишқ рамзи, Юсуф эса уни ҳали-ҳануз англаб етмаган ғофил (Ф.Аттор. «Илоҳийнома»).

Асар Қуръони Каримдан олинган қуйидаги эпиграф билан бошланади: «Ва албатта (қиёмат) соати келгувчидир, бунга шубҳа йўқ. Ва, албатта, Оллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур» [«Ҳаж», 7]. Ҳикоя билан танишиб, унда қолдирилган ҳар бир рамз қатига кириб борганимиз сари ҳикоя моҳияти яширинган эпиграфни тушуна борамиз, ниҳоят, «нафсини кўмганнинг руҳини тирилтирур» дегандек жаранглайди у.

Эпиграф билан Пайғамбар (с.а.в.)нинг: «Ўлмасдан аввал ўлинг!» дея нафсга ишора этган ҳадиси орасида боғлиқлик бор. Шайх Нажмиддин Кубронинг «Усули ашъара» рисоласида Ҳаққа олиб борувчи учта йўл ҳақида маълумот берилган [3.138], шуларнинг учинчиси тариқи шуттор, яъни ишқ орқали Ҳаққа етишмоқ, ошиқлик йўлидир. Бу йўлдагилар мартабаси йўл бошидаёқ зоҳид ва ё орифникидан юксак бўлишини таъкидлайди. Кубро: «Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир», дейди. Юсуф ва Зулайҳонинг қабристонга юзланиши нафси амморани ўз иродалари билан ишқ воситасида кўммоқ ва кўнгилларини асл фитратига мувофиқ асрамоқ, тирилтирмоқдир.

Ҳикоя тамоман тасаввуфий кайфият маҳсули эмас, айни дамда ундан холи ҳам эмас. Ҳикояда кўплаб қарашларнинг синтези бор. Ундаги маъно товланишлари бир қарашда Қуръондаги қиссани, бир қарашда тасаввуфий ҳолни, яна бир қарашда ёзувчи яшаётган замонавий дунёни ёдга солади.

Ёзувчи «Мувозанат» романида ҳам Юсуф образига мурожаат қилган эди. Бунда унинг дўсти Миразизнинг аёли Заҳро – Зулайҳо тимсоли. «Мувозанат» романи юртимиздаги ўтиш даврининг ижтимоий муаммолари бадиий ечимига бағишланган туфайли ҳам «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасининг ишқий талқини бу ерда ёритилмайди. (Эҳтимол, шунинг учун ҳам Зулайҳо Зулайҳо эмас, балки Заҳродир).«Мувозанат»да Қуръон сюжети асосидаги ҳикояга таянилади. «Яхшиям сен борсан!» да эса тасаввуфий талқинга уйғунлик сезилади. Юсуф ва Зулайҳо йўлларида учраган тўсиқларни тасаввуфда улуғланган сабр воситасида енгиб боришади, омманинг бирига айланишмайди.

Демак, У. Ҳамдамнинг «Яхшиям сен борсан!» ҳикояси рамзий характердаги ҳикоя бўлиб, бундай рамзий асарлар, одатда, барча замон синовларига дош беради. Ёзувчи анъанавий Юсуф ва Зулайҳо образига янгича қараш асосида ёндашади ва ушбу образларга замонавий рамзий маънолар, ижтимоий вазифалар юклайди. Натижада ўзбек ҳикоячилиги чуқур мазмун ва аҳамияти жиҳатидан универсал қиёфага эга яна бир рамзий ҳикоя билан бойиди.

Адабиётлар:

1. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси.- Т.: Шарқ, 1991.
2. Инжил. Библияни таржима қилиш институти.- Стокгольм, 1993.
3. Ислом тасаввуф манбалари.- Т.: Ўқитувчи, 2005.
4. Фромм Э. Инсон қалби // Шарқ юлдузи.- 2015.- № 2, № 3.
5. Гассет О. Севги сеҳри // Севги санъати. Тўплам.- Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Юнг К.Г. Аналитическая психология.- М.: Мартис, 1995.
7. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.- Т.: Akademnashr, 2010.
8. Ҳамдам У. Тўлин ой қиссаси.- Т.: Ўзбекистон, 2017.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
2017 йил 24 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: фил.б.ф.д. М.Шералиева)

* Бу ерда ва бундан кейинги ўринлардаги таржималар мақола муаллифиники.